

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета № 255 (1581), 2025 йил 10 декабрь, чоршанба



www.yuz.uz



yuz.uznews



yuz_official



yuz.uz_news



ХАЛҚАРО АВТОМОБИЛЬ ФЕДЕРАЦИЯСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКНИ КЕНГАЙТИРИШ МАСАЛАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Халқаро автомобиль федерациясининг (FIA) Тошкент шаҳрида бўлиб ўтадиган Бош ассамблеясида иштирок этиш учун мамлакатимизда бўлиб турган ушбу нуфузли ташкилотнинг президенти Муҳаммад бин Сулайм бошчилигидаги делегацияни қабул қилди.



Учрашувда делегация таркибида FIA Сенати президенти Кармело Санс де Баррос ҳамда мобиллик ва туризм бўйича вице-президенти Тим Ширман ҳам иштирок этдилар.

Автоспортни тартибга солиш ва йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича глобал ташкилот билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтиришнинг долзарб масалалари муҳокама қилинди.

Муҳаммад бин Сулайм Ўзбекистонда амалга оширилаётган профессионал ва оммавий спортни ривожлантириш, соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, аҳоли ўртасида жисмоний фаолликни ошириш ҳамда баркамол

авлодни тарбиялашга қаратилган кенг кўламли ислохотларни юқори баҳолади. Мамлакатимизда автомобиль спортининг катта қисмида спортнинг "Формула" пойгага бўлган барча йўналишларини ривожлантиришда яқиндан ҳамкорлик қилиш муҳимлиги қайд этилди.

FIA университетининг имкониятларидан фойдаланган ҳолда Ўзбекистонлик пойгачилар, картинг ҳайдовчилари, муҳандислар, конструктор ва механикларнинг тайёроқлиги, Ўзбекистонда замонавий автоспорт инфратузилмасини яратиш, пилоти ва транспорт воситалари ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш дастурларини амалга оширишга кўмаклашиш ҳамда мазкур халқаро ташкилот шафелигида халқаро мусобақалар, аввало, "Формула-1" босқичларини ўтказиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Учрашув якунида мамлакатимиз етакчиси Халқаро автомобиль федерацияси билан ҳамкорликни ривожлантириш, шунингдек, Ўзбекистонда автоспортни халқаро стандартларга мувофиқ омаллаштиришга қўшган катта шахсий ҳиссаси учун FIA раҳбарига давлатимизнинг юксак мукофоти — "Дўстлик" орденини топширди.

Таъкидлаш жоиз, Ўзбекистон 2019 йилдан буён федерациянинг фаол аъзоси ҳисобланади. Ўтган йили Самарқандда FIAнинг 120 йиллигига бағишланган навабдан ташқари Бош ассамблеяси бўлиб ўтган эди. Бу йилги тадбир доирасида 12 декабрь куни "Humo Arena" мажмуасида юқори мартабали хорижий меҳмонлар ҳамда чемпион пойгачилар иштирокида энг намунали спортчилар ва жамоаларни тақдирлаш маросими ўтказилди.

ЎЗА

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИДА МОЛИЯЛАШТИРИШНИ САМАРАЛИ ТАШКИЛ ЭТИШНИНГ ЯНГИ ТИЗИМИ

Президент Шавкат Мирзиёев 9 декабрь куни пахтачилик ва ғаллачиликни молиялаштиришни самарали ташкил этиш ҳамда аграр соҳада субсидиялар ажратиш янги тизими юзасидан тақдимот билан танишди.

Тақдимот аввалида жорий йилда соҳага йўналтирилган молиявий ресурслар ва уларнинг натижалари ҳақида ахборот берилди. Қайд этилганидек, пахтачилик ва ғаллачиликни молиялаштириш, қишлоқ хўжалиги техникалари билан таъминлаш ва сув тежовчи технологияларни жорий этишга жами 29 триллион сўм ажратилди. Соҳага 2,35 триллион сўм субсидиялар йўналтирилди.

Ўз маблағидан пахта етиштирилган хўжаликларга пахта қийматининг 10 фоизи миқдорда субсидия ажратилиши натижасида 3430 фермер ва кластерлар 151 минг гектар майдонда ўз маблағи ҳисобидан пахта етиштиришга 1,9 триллион сўм ресурсларни жалб этилди.

Ўз маблағидан пахта етиштиришга олинган кредитни жорий йил якунига қадар тўлиқ қайтарган фермерларга фойдаланишнинг 4 фоиз бандини қайтариб бериш имконияти туфайли 9002 фермер 2,5 триллион сўм имтиёзли кредитларни муддатидан олдин қайтарди. Келгуси йилда пахта ва ғалла ҳосили, субсидия ва бошқа харажатларга жами 34,2 триллион сўм ажратиш режалаштирилгани, қўшимча 200 миллион доллар маблағ жалб этилиб, 800 та пахта териш машинаси харид қилиниши айтиб ўтилди ҳамда бу борада тақдир этилаётган янги қўллаб-қувватлаш механизмлари кўриб чиқилди.

Жумладан, 2026 йилда агротехник тадбирлар, шу жумладан, плёнка ва эгилувчан қурулурлар учун қўшимча 5 триллион сўм ажратиш тақдир қилинди. Ҳосил етиштиришда кредит лимитининг 50 фоизгача фойдаланганда, сотилган пахта қийматининг 5 фоизи миқдорда субсидия ажратилса, ўз маблағи ва қисман кредит ҳисобидан ҳосил етиштирадиган фермерлар сони 4-4,5 мингга етиши ва уларнинг 2,5-3 триллион сўм маблағи иқтисод бўлиши таъкидланди.

Ҳозирда фермерларга кредит ажратишда молиявий барқарор хўжаликларга ҳам, тўлов интизомли ривожланган хўжаликларга ҳам бир хил фойз ставкаси қўлланилмоқда. Шу муносабат билан фермерлар орасида "интизомли бўлиш — арзон кредит" моделини шакллантириш учун "А" кредит рейтингига эга хўжаликларга 2 фоизга, "В" тоифадагиларга

1 фоизга пасайтирилган ставкада кредит ажратиш ва шу орқали интизомли фермерларнинг кредит юқини камайтириш тақдир қилинди.

Шунингдек, ўз маблағи ҳисобидан бугдой етиштирилган фермерларга 10 фоиз субсидия ажратиш ташаббуси билдирилди.

Ўзбекистон Президентининг жорий йил 22 ноябрдаги "Аграр соҳани давлат томонидан қўллаб-қувватлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги фармони мувофиқ аграр соҳада давлат томонидан қўллаб-қувватлаш механизмларини такомиллаштириш мақсадида Қишлоқ хўжалиги вазирлиги хузурида Аграр соҳада тўловлар агентлиги ташкил этилди.

Тақдимотда агентликка юклатилган вазифалар ижроси қандай ташкил этилиши кўриб чиқилди.

Ҳозирги вақтда қишлоқ хўжалигида 52 турдаги субсидия ажратилмоқда. Янги тизимда ушбу жараён соддалаштирилиб, инсон омилли тубдан қисқартирилиб, бюрократия камайтирилади, аризаларни кўриб чиқиш тўлиқ рақамлаштирилади ва барча жараёнлар "Агропортал" орқали амалга оширилади. Бунинг учун "Аграр субсидия" ахборот тизимига 10 дан ортиқ вазирлик ва идораларнинг ахборот тизимлари интеграция қилинади.

Жумладан, 2026 йил учун мўлжалланган 1,3 триллион сўмлик субсидияларни талабгорлар иштироки зарур бўлмаган ҳолда давлат идоралари томонидан проактив тарзда, қолган субсидиялар айрим келиши, ҳулоса олиш ва ҳужжатларни расмийлаштириш босқичларини чиқариб ташланган ҳолда соддалаштирилган тартибда, ортиқча овозгарчиликсиз берилди. Натижада субсидия ажратиш муддатлари кескин қисқарди.

Давлатимиз раҳбари молиялаштириш механизмларини янада такомиллаштириш, субсидияларнинг манзиллиги ҳамда тезкорлигини таъминлаш, барча жараёнларни рақамлаштириш ва фермерлар учун қўлай шароит яратиш юзасидан мутасаддиларга аниқ топшириқлар берди.

ЎЗА

АВТОМОБИЛЬ ЙЎЛЛАРИ СОҲАСИДАГИ ИШЛАР ҲОЛАТИ ВА НАВБАТДАГИ ВАЗИФАЛАР КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Президент Шавкат Мирзиёев автомобиль йўллари соҳасида амалга оширилаётган ишлар ва келгуси режалар юзасидан тақдимот билан танишди.

Охириги уч йилда соҳада бажарилган ишлар, молиялаштириш ҳажми ва амалий натижалар ҳақида маълумот берилди.

Ушбу давр мобайнида автйўл соҳасига қарийб 40 триллион сўм ажратилиб, 63 минг километр йўлда қурилиш ва таъмирлаш ишлари бажарилди. Соҳага хориждан жалб қилинаётган маблағлар 3 баробар ошиб, 2025 йилда 1,2 миллиард долларга етди. Йўл қурилишида намунавий андозалардан воз кечилиб, ҳар бир ҳудуднинг геологик ва экологик хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда лойиҳалаштириш амалиёти жорий этилди. Замонавий турдаги қопламалар ишлаб чиқилиб, йўлларнинг хизмат муддати 1,5 баробарга оширилди.

Тақдимотда соҳада мавжуд муаммоларни ҳал этиш юзасидан тақдир ва режалар тақдим қилинди. Аввало, мавжуд умумий фойдаланишдаги ва ички йўллар ҳамда кўприкларни таъмирлаш, янгиликларни барпо этишда

илгор тажриба ва жаҳонда ўзини оқлаган технологиялардан фойдаланиш суғлиги қайд этилди.

Келгуси йилларда 21 минг километр йўлларни қуриш ва таъмирлаш, 14 минг километр туپроқ йўлларни шағаллаштириш ҳамда 325 та кўприкни таъмирлаш режалаштирилган. Бунда хорижий экспертлар ва технологияларни кенг жалб қилиш, илгор стандартларни жорий қилган ҳолда ишни ташкил этиш таъминланди.

Оғирлиги меъёрдан ортиқ юк автомобилларининг ҳаракатлангани оқибатида 1800 километр йўл таъмирталаб ҳолга келиб қолгани кўрсатиб ўтилди. Шу муносабат билан юк транспорти вазини назорат қилиш учун ўлчов тарозилари тармоғини кенгайтириш зарурлиги қайд этилди. Ҳозирда 9 та шундай тарози ўрнатилган, 8 тасини ўрнатиш ишлари давом этмоқда.

Келгусида яна 35 та кўча ва стационар назорат-ўлчов масканини барпо этишга топшириқ берилди.

Мутасаддиларга оғирлик ва габарит назорати билан боғлиқ барча жараёнларни қамраб олган идоралараро электрон ахборот тизимини ишга тушириш топширилди. Шунингдек, об-ҳаво шароитларидан келиб чиқиб, оғир вазинли транспорт воситалари ҳаракатланишини мавсумий теклаш тартибини ишлаб чиқиш тақдир этилди.

Бугунги кунда янги йўлларнинг 61 фоизини, "Ташаббусли бюджет" доирасида эса ички йўлларнинг 92 фоизини хусусий сектор қурмоқда. Узоқ йиллар давлат монополиясида бўлган йўлларни сақлаш ишлари ҳам босқичма-босқич хусусий шерикликка берилмоқда.

Бу ишларни кенгайтириб, келгуси йилда 3 минг километр, 2030 йилга бориб эса

6,3 минг километр йўлларни сақлашга тадбиркорларни жалб қилиш режалаштирилган. Шунингдек, Осиё тараққиёт банки иштирокида 86 та туманда қуриладиган йўлларни тўлиқ маҳаллий пудратчиларга бериш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Соҳада рақамлаштириш даражаси паст экани, мавжуд 59 та хизматнинг фақат 20 таси рақамлашгани қайд этилди. Келгуси йилда 28 та хизматни электрон шаклга ўтказиш, интеллектуал транспорт тизимини жорий этиш ва 7 та янги электрон платформани ишлаб чиқиш муҳимлиги таъкидланди.

Тақдимот якунида белгиланган вазифалардан келиб чиққан ҳолда, Ўзбекистон автомобиль йўлларини 2035 йилгача ривожлантириш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси топширилди.

ЎЗА

МАҲАЛЛАЛАРДА ИШСИЗЛИК ВА КАМБАҒАЛЛИК КАМАЙТИРИЛАДИ

Президент Шавкат Мирзиёев маҳаллаларни ишсизлик ва камбағалликдан холи ҳудудларга айлантириш, аҳоли бандлигини таъминлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан ахборот билан танишди.

Танқидий руҳда ўтган йилги ишсизлик ва камбағалликнинг кўрсаткичи, бу борадаги суғликлари кўрсатиб ўтилди.

Йилги ишсизлик "маҳалла еттигили" аъзоларининг иш самардорлигини баҳолаш учун аниқ мезонлар мавжуд эмаслиги, уларнинг асосий вазифаси бўлган ишсизлик ва камбағалликни қисқартиришда маъсулиятини янада ошириш зарурлиги таъкидланди. "Еттилик" фаолияти аҳоли бандлиги ва даромадлари орттиришда бевосита ақс этиши шартлиги, мазкур йўналишда манзилли ва натижага йўналтирилган ишларни кучайтириш зарурлиги қайд этилди. Маҳаллаларда камбағаллик ва ишсизликни қисқартиришда, аввало, уларнинг муаммолари ва "ўсиш нуқталари"ни аниқлаб, тизимли чора-тадбирларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш топширилди. Шунингдек, аҳоли мурожаатларини бевосита маҳаллаларнинг ўзида ҳал этишга эътиборни кучайтириш вазифаси қўйилди.

Оғир тоифадаги маҳаллалар бўйича амалга оширилаётган ишлар кўриб чиқилди. Ушбу ҳудудларга алоҳида эътибор қаратиб, инфратузилма, электр таъминоти, интернет тармоғи, томорқадан фойдаланиш имкониятларини кенгайтириш топширилди.

Жорий йилда мамлакатимизда камбағаллик даражаси 8,9 фоиздан 6 фоизга тушиши кутилмоқда. Келгуси йилда бу кўрсаткични 4,5 фоизгача қисқартириш мақсад қилинган.

Бунинг учун маҳаллаларда ишларни ташкил қилишга комплекс ёндашиш, барқарор бандлик йўналишидаги хизматлар қамровини кенгайтириш, даромад манбаларини яратиш, аҳолини касб-ҳунарга ўқитиш ва тадбиркорликка жалб қилиш бўйича вазифалар белгила берилди.

Ҳар бир камбағал оила бўйича унинг реал имкониятлари ва хоҳиш-истакларини инобатга олган индивидуал режаларни ишлаб чиқиш муҳим экани таъкидланди.

Лойиҳавий ёндашув доирасида "Бандлик оргanelлари — иш бевуричлар ҳамқори", "Тенг имкон — инклюзив бандлик", "Барқарор келажак сари", "20 та маҳаллий бренд", "Бир контур — бир мақсулот", "Маҳаллада тадбиркорликни ривожлантириш", "Ижара ер ва томорқадан сув таъминотини яхшилаш", "Эски боғларни янгилаш", "1 минг гектар мели боғ", "Экспортчи кооперативлар" каби дастурлар билан 1 миллион нафар камбағал аҳолини қамраб олиш режалаштирилган.

Камбағаллик ва ишсизликни камайтиришда маҳаллаларда кичик ва ўрта лойиҳаларни амалга ошириш, жумладан, чегара ва анклав ҳудудларда инфратузилмани яхшилаш, туну кун ишлайдиган қўчалар, туристик маҳаллалар, микроканоат марказларини ташкил этиш, соҳил ва йўл бўйи инфратузилмани ривожлантириш чора-тадбирлари тақдимот қилинди.

Бандлик дастурининг 2025 йилдаги ижроси ва 2026 йилги дастурни шакллантириш, норасмий бандликни қисқартириш масалалари ҳам кўриб чиқилди.

Президентимиз мутасаддиларга маҳаллалардаги масалаларни манзилли ҳал қилиш, аҳоли эҳтиёжларини асосида амалий ишлар самардорлигини ошириш, бандлик ва камбағалликни қисқартириш борасидаги вазифаларнинг юксак маъсулият билан ижросини таъминлаш юзасидан топшириқлар берди.

ЎЗА

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҲА РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Мамлакатимиз қишлоқ хўжалиги тизимидagi кўп йиллик фидокорона меҳнати, соҳа ривожини янги босқичга кўтариш, интенсив агротехник усуллари қўллаш орқали юқори ҳосилдорликка эришиш, эл-юрт фаровонлигини юксалтиришга қўшган муносиб ҳиссаси, илгор инновациялар ва замонавий илм-фан ютуқларини амалиётга кенг жорий этиш, ер ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, маҳсулотларни сифатли қайта ишлаш, юртимиз экспорт салоҳиятини ошириш йўлидаги самарали фаолияти, малакали мутахассисларни тайёрлаш борасидаги катта хизматлари ҳамда ижтимоий ҳаётдаги фаол иштироки учун қуйидагилар мукофотлансин:

Матниёзов Пўлат Ёқубович — Богот туманидаги "Ёқуб бобо ўғли Омон" кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

"Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган қишлоқ хўжалиги ходими" фахрий унвони билан

Комилов Турсунбой — Тўрақўрғон туманидаги "Комилов Турсунбой" кўп тармоқли фермер хўжалиги иш бошқарувчиси, Наманган вилояти

Машарипов Уктам Рустамович — Хоразм вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

Рузиев Зафар Шаропович — Жиззах вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

Саноев Ёдгор — Вобкент туманидаги қишлоқ хўжалиги бўйича "Хайрбод" худуди раҳбари, Бухоро вилояти

► Давоми 2-бетда



АФҒОНИСТОНДА "UZELECTRONICS" САВДО МАРКАЗИ ОЧИЛДИ

Хорижда кичик дўкон очган ўзбек тадбиркори ҳақида эшитиш аввал биз учун хайратланарли воқеа бўларди. Ҳозир бунга одағлини қолдик. Чет давлатларда нафақат дўкон, балки катта савдо уйлари, марказлари очилиб, ўзбек брендидаги маҳсулотлар йирик ҳажм ва асортиментда сотилапти. Аҳамиятлиси, бу каби саъй-ҳаракатлар давлатимиз ва тадбиркорлар ҳамкорлигида амалга оширилмоқда. Мақсад — миллий маҳсулотларимизни жаҳон бозорида кенг танитиш, янги бозорларга кириб бориш ва экспорт ҳажминини ошириш.

► Давоми 4-бетда

Абдурахмонов Абдунаби Абдураимович — Шароф Рашидов туманидаги "Қўрғонтепа" кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ХОДИМЛАРИ КУНИ МУНОСАБАТИ БИЛАН СОҶА РИВОЖИГА МУНОСИБ ҲИССА ҚЎШГАН ЮРТДОШЛАРИМИЗДАН БИР ГУРУҲИНИ МУКОФОТЛАШ ТЎҒРИСИДА

Бошланиши 1-бетда

Ганиев Шухрат Мадаминович — Ўзбекистон Республикаси Президентининг аграр ривожланиш масалалари бўйича маслаҳатчиси

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ирригатор” фахрий унвони билан

Наджимов Марат Фахриевич — “Ўзсувлойиха” акциядорлик жамияти бош директори

Саидов Юсуп Мамадович — Узун тумани “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси муҳандис-гидротехниги, Сурхондарё вилояти

“Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган пиллачи” фахрий унвони билан

Юсупова Гулбахар Эркиновна — Бериун туманидаги “KKR Irak Cluster” масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Қорақалпоғистон Республикаси

“Фидокорона хизматлари учун” ордени билан

Гафуров Хусанбой Абдуллаевич — Олтиариқ туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Фарғона вилояти

Дадажанов Абдувоҳид Тошпулатович — Учқўрғон туманидаги “Тошпўлат ҳожи ота” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Наманган вилояти

“Меҳнат шухрати” ордени билан

Бектураев Умнат Аббасович — Ховос туманидаги “Ховос гулшани” боғдорчилик йўналишидаги масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сирдарё вилояти

Ерматов Диларом — Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети экология ва яшил ресурслар кафедраси мудири

Исмоилов Фарходжон Вохобович — Сурхондарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

Комилова Замира Шукуллоевна — “Ғиждувон ипак тола” масъулияти чекланган жамияти ҳудуд агрономи, Бухоро вилояти

Латипов Султонбой Аллаёрович — Давлатларо “Амударё” ирригация каналлари бошқармасининг Тошсӯқа бўлими бошлиғи, Хоразм вилояти

Мадумарова Мухаббатхон Юсуфжонна — Улугнор туманидаги “Юсуфжон ери” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Нишанбаев Саидкарим Абдухокимович — Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири ўринбосари

Нормурадов Парда Боймирович — Ғузур туманидаги “Пачкамар қорақўлчилик” масъулияти чекланган жамияти бош чўпони, Қашқадарё вилояти

Раҳимова Манзура Ривожидиновна — Норин туманидаги “Норин агропилла” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

Ризаев Абдурақоб Маманович — Кармана туманидаги “Севолтепа равнақи” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Сейфуллаев Бахтияр Кемалович — Тактақпир тумани “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси етакчи муҳандис-гидротехниги, Қорақалпоғистон Республикаси

Тухтакузиев Абдусалим — Қишлоқ хўжалигини механизациялаш илмий-тадқиқот институтининг тупроққа ишлов бериш машиналари лабораторияси мудири

Узаков Улғубек Юлдашевич — Қашқадарё вилояти ҳокимининг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари

Хасанова Мухаббат Мамархонна — Бахмал туманидаги “Гулбулоқ сабзавотлар макони” фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Хатамов Жаҳонгир Жураевич — Ўзбекистон Республикаси Бош прокурорининг ўринбосари

Холмирзаев Дустмуҳаммад — Самарқанд давлат ветеринария медицинаси, чорвачилик ва биотехнологиялар университетининг яёлов чорвачилиги, қорақўлчилик, асаларчилик ва ипакчилик кафедраси профессори

Чариева Хилал Дустмуратовна — Ингичка толали пахтачилик илмий-тадқиқот институтининг интенсив навлар селекцияси лабораторияси мудири, Сурхондарё вилояти

Шензаров Баходир Маманзарович — “Норин-Фарғона” ирригация тизими бошқармаси бош мутахассиси, Фарғона вилояти

Юсупов Ғафуржон — Бекобод туманидаги “Юсупов Обид фазиз” кўп тармоқли фермер хўжалиги иш бошқарувчиси, Тошкент вилояти

“Дўстлик” ордени билан

Абдулазизов Облақул — “Мирза-Пай” ирригация тизими бошқармаси каналлари катта муҳандис-гидротехниги, Самарқанд вилояти

Абдуллаев Нуралӣ Юсуфалиевич — Агросаноатни ривожлантириш агентлиги директори

Абдурайимов Жасурбек Одилович — Балкич тумани ҳокими, Андижон вилояти

Абиллаев Уразабӣ — Дон ва шולי илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси лаборатория мудири, Қорақалпоғистон Республикаси

Дарвишев Шавкат Тураевич — Дўстлик тумани ҳокими, Жиззах вилояти

Зайтов Зиятуддин Имоматдинович — Нукус тумани ҳокими, Қорақалпоғистон Республикаси

Зядуллоев Абдурахим Норович — Сарисий туманидаги “Фахриддин асалчи” фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Каримов Раҳмон Қаҳоревич — Бухоро туманидаги “Карим Қаҳор” фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Комилов Баҳром Уринович — Фарғона вилоятидаги “Ferghana Spinning” пахта-тўқимачилик кластери раҳбари

Қўлдашева Мухасархон Абдумуталибовна — Булоқбоши туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Андижон вилояти

Мавлянов Дусяр Иргашевич — Косон туманидаги “Косон” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Олжабаева Салиха Ибзасаровна — Томди туманидаги “Алдияр-Қаланбай” туячилик фермер хўжалиги чўпони, Навоий вилояти

Рашидова Дилбар Каримовна — Пахта селекцияси, уруғчилиги ва етиштириш агротехнологиялари илмий-тадқиқот институтининг органик пахтачилик лабораторияси мудири

Сайфудинова Шаҳноза Шоназаровна — Мирзаобод туманидаги “A Master fruit” масъулияти чекланган жамияти бош директори, Сирдарё вилояти

Умаров Халимжон Комилович — Қува тумани ҳокими, Фарғона вилояти

Хамидуллаев Абдулла — Бўстонқиз туманидаги “Escalade biznes invest” масъулияти чекланган жамияти директори, Тошкент вилояти

Холмурадов Акмал Арсланович — Қуйи Чирчиқ тумани ҳокими, Тошкент вилояти

Шукуров Алишер Нематуллаевич — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирининг ўринбосари

“Жасорат” медаллари билан

Ахмадқулов Мухаммадулло Мухаммадали ўғли — Қўрғонтепа туманидаги “Ахмадқулибек” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Баротов Собир Тўхтаевич — “Аму-Бухоро” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси экскаватор машинисти, Бухоро вилояти

Каримов Икром Гуломович — Арнасой туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Жиззах вилояти

Отепбергенов Сарсенбай Ниегбаевич — Қонликўл туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Қорақалпоғистон Республикаси

Ражабов Турсунўлто Сафарович — Қизилтепа туманидаги “Сафаробод боғи” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Навоий вилояти

Сувонов Нурмуҳаммад Бобомурадович — Пахтачи туманидаги “Мирзаев Шухрат Кенжаевич” фермер хўжалигининг галла ўриш комбайни оператори, Самарқанд вилояти

Хасанов Аваз Тажидқулович — Бекобод туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Тошкент вилояти

Ҳасанов Акбар Мухаммадиевич — Шаҳрисабз туманидаги “Ҳасанов Акбар Мухаммадиевич” боғдорчилик йўналишидаги масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Яхьяев Уткиржон Туйчиевич — Ховос туманидаги “Сабохат Хайдаровна” фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

“Келажак бунёдкори” медаллари билан

Ахмедов Жамшид Бахтиёр ўғли — Пахтакор туманидаги “Боғшамол томорқа экспорт” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Жиззах вилояти

Турдиев Акбарали Усмонов ўғли — Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти миллий тадқиқот университетининг таянч докторанти

“Шухрат” медаллари билан

Абдумиталипов Абдушукур Шухратжон ўғли — Бағдод туманидаги “А.Мадаминов” кўп тармоқли фермер хўжалиги иш бошқарувчиси, Фарғона вилояти

Аширова Тажигул Алланазаровна — Эллиқалъа туманидаги “Амиробод Мардон” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Бозоров Ахрор Худайқулович — Қарши туманидаги “Худойқулов Сарварбек Ахрорович” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Қашқадарё вилояти

Бозоров Тошқинбой Муталибович — Мингбулоқ туманидаги “Гулҳеҳра Озодбек Абдумутал” паррандачилик оилавий корхонаси раҳбари, Наманган вилояти

Джуманазарова Комила Сайдахматовна — Урта Чирчиқ туманидаги “Достонбек Азизбек агро” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Досмухамедова Мухайё Хусниддиновна — Тошкент давлат аграр университетининг умумий зоотехния ва зоотехнологиялар кафедраси профессори

Жоборов Бурхонжон Абдусатторович — Балкич туманидаги “Бурҳон” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Андижон вилояти

Жумабаев Умирбек Султанович — ХоҶқа туманидаги “Боғибек Жонибек” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Ибодуллаев Жуманазар Махматмуродович — Миришкор туманидаги “Турон агро-техсервис машина-трактор парки” масъулияти чекланган жамиятининг галла ўриш комбайни оператори, Қашқадарё вилояти

Илхамбеков Каҳрамон Қасимжоневич — Юқори Чирчиқ туманидаги “Есо agro product” боғдорчилик фермер хўжалиги бошлиғи, Тошкент вилояти

Исмаилов Максуд Кошназарович — Тўрткўл туманидаги “Қўшнар пахтакор” фермер хўжалиги бошлиғи, Қорақалпоғистон Республикаси

Исроилов Абдурашид Абдурахмонович — Қишлоқ хўжалигини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш жағмарасини бошқариш департаменти директори

Ишпулатов Зокир Эшкурбоневич — Ўзбекистон Республикаси сув хўжалиги вазирининг биринчи ўринбосари — Сув хўжалиги объектларини эксплуатация қилиш агентлиги директори

Қадиров Меҳроҳ Усмонович — Самарқанд туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Самарқанд вилояти

Қасимов Баходир Тухтаевич — Боёв туманидаги “Анварбек Аббосбек” фермер хўжалигининг пахта териш комбайни механизатори, Сирдарё вилояти

Қўлдошев Феруз Қўлдош ўғли — Когон туманидаги “Combo Profit” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Бухоро вилояти

Қосимов Акмалжон Маликжонович — Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазири ўринбосари

Мансуров Асрор Меҳриддинович — Бухоро вилоятидаги “Qorako'l kumush kalava” пахта-тўқимачилик кластери раҳбари

Мирзаев Нурулло Абдираимович — Қўқдала туманидаги “Чироқчи истиқлол паррандачилик” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Қашқадарё вилояти

Муқимов Хасан Хурсанович — Ангор туманидаги “Икки дўст Сурхон Ангор” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Мўйинов Исоқ Мураталевич — Жарқўрғон туманидаги “Эргаш бобо” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Мухтарова Жамила Шукуровна — Жомбой туманидаги “Жомбой агропилла” масъулияти чекланган жамияти пиллачиси, Самарқанд вилояти

Надиоров Абдуқадир — Оҳангарон туманидаги “Тараққиёт Бахтиёр” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Тошкент вилояти

Нематов Манноб Нуриддинович — Қўмқўрғон туманидаги “Гулистон” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Сурхондарё вилояти

Отамуратов Шоназар Султанович — Қўшқўпир тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимининг ветеринария участкаси мудири, Хоразм вилояти

Очилов Фарҳод Бахтиярович — Навбахор туманидаги шахсий томорқа ер эгаси, Навоий вилояти

Раимқулов Рустам Назарқулович — Зафаробод туманидаги “Фориш йўллари” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Расулов Таваққол Қодиржон ўғли — “Норин-Қорадарё” ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси экскаватор машинисти, Андижон вилояти

Расулов Тожи Маматхалиқович — Шеробод туманидаги “Расулов Тожи” анорчилик йўналишидаги масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Сурхондарё вилояти

Раҳимов Ахроржон Ортиқович — Данғара туманидаги “Best cotton fields” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Раҳманова Зоҳида Турғуновна — Сайхунобод тумани “Сув етказиб бериш хизмати” давлат муассасаси бош муҳандиси, Сирдарё вилояти

Раҳматов Одил Шарипович — Уйчи туманидаги “Уйчи парранда” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Наманган вилояти

Раҳмонов Мухиддин Мамурович — Мирзаобод тумани ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлимининг “Тошкент” ветеринария участкаси мудири, Сирдарё вилояти

Рашидов Шоҳруҳ Фарҳод ўғли — Хатирчи туманидаги “Xatirchi invest export” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Навоий вилояти

Ўзбекистон Республикаси Президенти

Тошкент шаҳри, 2025 йил 9 декабрь

Ризонов Азимхон Холевич — Каттақўрғон туманидаги “Азимхон Ризонов” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Сауитбаев Марат Шайниязович — “Кармана-Конимех” ирригация тизими бошқармасининг Конимех туманларо гидро-участкиси канали бошлиғи, Навоий вилояти

Собиров Музаффар Равайнбекович — Қўшқўпир туманидаги “Муаттар” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Хоразм вилояти

Турабов Камолхон Зиявиддинович — Учқўпир туманидаги “Зиявуддин ота орзуси” боғдорчилик фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Умаров Гулмурод Нормурадович — Жоңдор туманидаги “Аржуманбону чорваси” паррандачилик кластери бошлиғи, Бухоро вилояти

Ўринов Икром Шукуруллоевич — Олот туманидаги “Шукурулло Ўринов” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Бухоро вилояти

Усмонов Жўрабек Тўланбекович — Қўштепа туманидаги “Исмоил Жўрабек саховати” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Фарғона вилояти

Хамраев Бобир Зоҳир ўғли — Ўсимликлар карантини ва химияси агентлиги директорининг биринчи ўринбосари

Хамидов Одил Раҳимжонович — Пискент туманидаги “Уч авлод” фермер хўжалигининг пахта териш комбайни механизатори, Тошкент вилояти

Хасанова Зарафшон Матёкубовна — Хива туманидаги “Қиёт биосервис” масъулияти чекланган жамияти раҳбари, Хоразм вилояти

Холиқов Қодиржон Дадамирзаевич — Косонсой туманидаги “Наманган пахта текс” масъулияти чекланган жамиятининг галла ўриш комбайни оператори, Наманган вилояти

Чориев Азамат Маҳаммадиевич — Қамаша туманидаги “ВВU-Azamat” доривор ўсимликлар етиштируви масъулияти чекланган жамияти директори, Қашқадарё вилояти

Шайхатов Икром Уралович — Дўстлик туманидаги “Илҳом Шариф” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Жиззах вилояти

Шероф Эркин Қурбанович — Пастдарғом туманидаги “Элдор” чорвачилик фермер хўжалиги бошлиғи, Самарқанд вилояти

Шухратов Сардор Шухратович — Гулистон туманидаги “Жасур Сардор фазиз” кўп тармоқли фермер хўжалиги бошлиғи, Сирдарё вилояти

Эркинов Инҳамжон Усмонович — Жалақудуқ туманидаги “Миржаҳон Аслиддин даласи” фермер хўжалиги сувчиси, Андижон вилояти

10 декабрь — Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси қабул қилинган кун



МУҚАДДАС ВА МАНГУ ҚЎШИҚ

Ватанга бўлган меҳрни ҳамма ҳар хил билдиради. Кимдир фикри, сўзи мулоҳазаси, яна кимдир касб тақозоси билан ўз меҳнати, амали орқали изҳор этади. Лекин ана шу турфаланган бир жойга жамловчи, миллатни бирлаштирувчи, жипслашган халқни дунёга танитувчи яна бир восита бу — давлат мадҳиясидир.

Қаерда бўлмайлик, ким бўлмайлик Ватан мадҳиясини эшитганимизда, ижро қилганимизда вужудимизни ўзгача бир ҳис-туйғу қамаб олади. Тасаввуримизда тасвирлаб бериш мушкул бўлган ўзига хос манзара шаклланиб, хаёлимиздан ватанимиз тарихи, бугуни, келажакига дахлдор ўйлар ўта бошлабди. Бекбёс замин, жаннатмонанд ўлкада яшаётганимизни дилмизига жо этиб турғувчи қадрдон мадҳиямиз ҳақида гап кетганда, менимча, барчамиз шундай ҳисни туйамиз. Ҳа, давлат мадҳиясини шунчаки, тинглаб, эшитиб, айтиб бўлмайди. У одамда ўзгача гурур ва фахр туйғусини жўш урдирадиган, ватанга муҳаббат ва садоқат ҳиссини уйғотадиган буюк қўшиқ. Бу қўшиқ ҳар бир инсонни гурурлантиришга, мустақиллигимизни мустаҳкамлашга, бутунги фаровон ҳаётнинг қадрига етишга ундаши билан қадрли. Бу қўшиқ — миллий гуруримиз тимсоли. Шуниси билан суяюкли.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ, “Янги Ўзбекистон” мухбири

ЛИ ЧАН У: “МЕҲМОНДҮСТ ЎЗБЕК ХАЛҚИНИ ЎЗБЕКИСТОН КОНСТИТУЦИЯСИ ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН КУН МУНОСАБАТИ БИЛАН САМИМИЙ МУБОРАҚБОД ЭТАМАН”

Ўзбекистоннинг Жанубий Кореядаги элчихонаси томонидан Тэжон шаҳрининг стратегик аҳамияти, фан ва технология соҳасидаги ютуқлари, Ўзбекистон билан ҳамкорлик истиқболлари, таълим соҳасида яратилаётган имкониятлар ва алмашинувлар ҳақида шахар ҳокими Ли Чан У билан интервью ташкил этилди деб хабар қилмоқда “Дунё” АА мухбири.

— Тэжон катта шаҳар, унинг Жанубий Кореядаги стратегик мавқеи ва иқтисодий салоҳияти ҳақида қисқача тўхталиб ўтсангиз.

— Тэжон Жанубий Кореядаги фан ва технологиялар маркази саналгани учун кўпгина “Фан пойтахти” деб аталади. Хукумат томонидан молиялаштирилган 27 та тадқиқот институти Тэжонда жойлашган. У ерда электроника, телекоммуникация, биотехнология ва миллий муҳофаа сананоати каби асосий соҳаларни тадқиқ қилувчи институтлар бор, магистр ва докторлик даражасига эга тахминан 30 минг тадқиқотчи ишлабди.

Шунингдек, Тэжонда яримўтказгичлар ва батареялардан тортиб, сунъий йўлдошлар, робототехника, квант ҳисоблаш ва ядровий синтез энергиясига бўлган турли тадқиқотлар маркази мавжуд. Шу бонс, шаҳримизни “Жанубий Кореянинг мияси” деб аташ мумкин. Тэжон Жаҳон интеллектуал мулк ташкилоти — WIPO томонидан ҳам дунё даражасидаги фан ва технология шаҳри сифатида тан олинган. 2024 йил ҳолатига кўра, фан ва технология интенсиивлиги бўйича Осиёда биринчи, дунёда еттинчи ўринда туради. Юртимизнинг келажакдаги ўсиш механизми бўйича тадқиқотлар шаҳримизда давом этмоқда. Яқиндан буён квант ҳисоблаш билан боғлиқ асосий тадқиқот институтлари Тэжонда кенг қўламли тадқиқотлар олиб бормоқда. Мудофаа сананотида ҳам сезиларли даражада ўсишни бошдан кечирмоқда ва бу соҳада асосий тадқиқот институтилари шу ерда жойлашган.

Кейинги 10 йил ичида Тэжон мамлакатимизнинг энг бой шаҳрига айланиши кутилмоқда. Шаҳримиз олтинга стратегик соҳага эга: аэрокосмик, биосоглиқни сақлаш, яримўтказгич, мудофаа, квант ва робототехника. Ушбу стратегик соҳалар тез ўсишни бошдан кечирмоқда ва Тэжон келажакдаги ўсиш механизмига етакчилик қилиши кутилмоқда.

Худудда 29 та биокомпания рўйхатта олинган Тэжон Жанубий Корея биосаноатида муҳим роль ўйнайди. Шаҳар ушбу инновацион технологиялардан фойдаланиб, стартаплар ва етакчи компанияларга айлана оладиган истеъдодларни ривожлантиришга туртки бормоқда.

— Сиз 2022 йилда Сирдарё вилояти ҳокими билан учрашгансиз. 2025 йил октябр ойида Ўзбекистонга ташриф буюришни режалаштирган эдингиз, аммо у турли сабабларга кўра бекор қилинди. Тэжон ва Ўзбекистон ўртасида худудларо алмашинув ва ҳамкорликни кенгайтириш бўйича алоқалар қандай деб ўйлайсиз?

Халқаро алоқалар

Бошланиши 1-бегда

Афғонистон биз учун ана шундай янги, ҳали тўлиқ ўрганилмаган, аммо катта салоҳиятга эга бозорлардан. Кейинги йилларда юртимиз амалиётида ушбу бозор имконияти кенг ўрганилиб, унга кириб бориш ҳаракати фаоллашган. Бу, бир жиҳатдан, 40 миллионга яқин одам истиқомат қиладиган Афғонистоннинг минтақадаги энг йирик истеъмол бозорига эга экани, бошқа жиҳатдан, мамлакатда тайёр маҳсулотларга ҳам, инвестиция лойиҳаларига ҳам талаб юқорилиги билан боғлиқ. Қолаверса, мамлакат стратегик жойлашуви бўйича Марказий ва Жанубий Осиё ўртасидаги кўприк сифатида экспорт ва савдо учун муҳим майдон.

Шу боис, ушбу давлат билан ўзаро савдо алоқалари ва экспорт кўламини кенгайтириш ҳаракати янада жадаллашмоқда. Яқинда Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси раҳбарлигидаги 100 га яқин ишбилармон Афғонистонда бўлиб, айни масалалар бўйича муҳокама олиб борди. Учрашувларда қўшма лойиҳаларни ишлаб чиқиш, инвестициявий ташаббусларни илгари суриш таклифлари кўриб чиқилган. Икки томонлама музокаралар давомида Ўзбекистонлик тadbirkorлар 36,5 миллион долларлик дастлабки келишувларга эришган.

Ҳамкорликнинг амалий натижаси сифатида Афғонистоннинг Мозори Шариф шаҳридаги энг гавжум савдо ҳудудида "UZELECTRONICS" мульти-бренд савдо маркази очилди. Ушбу марказда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган электротехника маҳсулотлари сотуви йўлга қўйилди. Айни пайтда 25 та ўзбек компанияси томонидан 500 дан ортиқ турдаги маҳсулот харидорларга тақдим этилмоқда. Ушбу лойиҳа Ўзбекистон электротехника саноатининг Афғонистон бозорига кириб боришида муҳим босқичдир.

— Афғонистон бозори ҳали тўлиқ ўрганилмаганга қарамай, улкан салоҳиятга эга ҳудуд сифатида баҳоланмоқда. Мамлакатда кўплаб маҳсулотлар қатори сифати ва замонавий электротехника товарларига талаб йил сайин ортиб бормоқда, — дейди "Ўзэлтханоат" уюмаси масъул ходими Азамжон Қулмурадوف. — Мана шу имкониятлардан келиб чиқиб, "Ўзэлтханоат" уюмаси, Ўзбекистоннинг Афғонистондаги элчихонаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси ва Савдога кўмаклашиш компанияси ҳамкорлигида қўшни давлатнинг Мозори Шариф шаҳрида катта савдо маркази фаолияти йўлга қўйилди. Энди афғонистонлик харидорлар Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган замонавий, сифатли ва ишончли электротехника маҳсулотларини тўғридан тўғри ишлаб чиқарувчиларнинг ўзидан харид қилиш имконига эга.

Очиги, биринчи куннинг ўзидаёқ миллий товарларимизга қизиқиш катта бўлди. Бонси, мамлакатда электрон ва маиший техника маҳсулотларига талаб йил сайин ортиб бораётгани, аynиқса, аҳолининг асосий қисми яшайдиган шаҳарлар ва савдо марказларида катта бозорни вужудга келтирган. Миллий маҳсулотларимиз билан ушбу эҳтиёжни таъминлаш баробарида мамлакат бозоридagi энг ишончли брендлардан бири сифатида ўрни эгаллашни мақсад қилганмиз. Бу орқали экспорт ҳажмини оширамиз. Утган йили Афғонистон бозорига 1 миллион долларлик электротехника маҳсулоти экспорт қилинган бўлса, бу йил охиригача ушбу кўрсаткични 10 миллион долларга етказиш кўзланган. Янши қўшничилик сиёсати, чегараларнинг очилиши ҳамда кенгайиб бораётган ҳамкорлик бунга йўл очмоқда.

АФҒОНИСТОНДА "UZELECTRONICS" САВДО МАРКАЗИ ОЧИЛДИ



Миллий маҳсулотлар учун янги майдон

"UZELECTRONICS" мульти-бренд савдо маркази учун Мозори Шариф танланган беиз эмас. Бонси, айни вақтда бу шаҳар аҳолининг катта қисми яшайдиган ҳудудлардан бири бўлиб, йирик савдо муносабатлари айнан шу ерда амалга оширилади. Бу ерда харидорлар оқими кўп бўлиши билан бирга савдо ҳамкорларини топиш учун ҳам қулай. Ўзбекистон электротехника саноатининг турли брендларига тегишли товар ва хизматларнинг бир жойда жамлангани эса танлов ва миллий маҳсулотларимиз билан танишиш имкониятини оширади.

Янги савдо маркази умумий 1200 квадрат метр майдонда жойлашган. У ердан катта-кичик маиший техникадан тортиб, замонавий маиший электроника ва электротехника жи-

ҳозларига топшиш мумкин. Асосийси, маҳсулотлар мунтазам янгилаб борилади. Бу эса харидорларга янада кенг танлов имкониятини яратди.

— Маҳаллий тadbirkorларимизда Ўзбекистон маҳсулотларига қизиқиш катта, — дейди Афғонистон савдо ва инвестициялар палатаси раиси Худойназар Валий. — Янги савдо марказининг очилиши эса ўзаро ҳамкорлик учун қулайлик яратди. Авваллари Ўзбекистонда жуда сифатли маҳсулотлар ишлаб чиқарилиши ҳақида эшитганмиз. Бугун ўзимиз бунга гувоҳ бўлиб турибмиз. Маҳсулотлар ҳақиқатан жуда сифатли. Энди афғонистонликлар шу ернинг ўзидан исталган турдаги электротехника маҳсулотини харид қилиши мумкин. Эрон ёки Хитойга бориб, маҳсулот олиб келишга зарурат қолмади. Ўзбекистонлик бошқа тadbirkorларини ҳам ҳамкорликка чорлаймиз. Бонси, бугун мамлакатимизда йиллар давомида қўйилган тўсиқлар



УШБУ МАҚОЛАНИ ҚОРАҚАЛПОҚ ТИЛИДА ХАМ ЎҚИШ УЧУН QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИНГ!

Мозори Шарифда ишга туширилган "UZELECTRONICS" мульти-бренд савдо марказининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ўзбек товарларини қўшни давлат бозорига етказиб бериш баробарида АФҒОНИСТОНДА ИШЛАБ ЧИҚАРИЛГАН МАҲСУЛОТЛАРНИ ХАМ МАМЛАКАТИМИЗДА ТАРҒИБ ҚИЛИШ КЎЗДА ТУТИЛГАН.



олиб ташланиб, иқтисодий фаоллик ортапти. Бундай шароитда инвестицияларга эҳтиёж ҳам, имконият ҳам катта. Мамлакатимиз бозорига Ўзбекистон маҳсулотлари улуши ортишидан мамнун бўламиз.

Миллий маҳсулотларимиз Афғонистон бозорига анча олдин кириб борагани сир эмас. Товарларимиз мамлакат аҳолисига яхши таниш. Одамларнинг кўпи маҳсулотлардан фойдаланиб кўрган. Сифат борасидаги фикрлари эса ижобий.

— Ўзбек электротехника маҳсулотлари кам электр сарфлайди, сифати юқори ва мунтазам. Нархлари ҳам ҳамёнбоп. Шу йилнинг

ўзида ўзбек брендидаги тўртта электротехника маҳсулотини харид қилдик. Очиги, улар Хитой ва Покистон брендларига нисбатан анча сифатли эканига гувоҳ бўлдик. Шу боис, янги савдо марказига келиб, битта кир ювиш машинаси ва битта ҳаво совиткич харид қилдик. Ўзим Мозори Шарифда яшаганим боис, бу ерда шундай марказ очилганидан қувондим, — дейди афғонистонлик Муҳаммад ҳожи Башир.

Маҳаллий тadbirkorларимиз ҳам Афғонистон бозорига электротехника маҳсулотларига талаб катта эканига гувоҳ бўляпти. "UZELECTRONICS" мульти-бренд савдо



Янги савдо маркази умумий 1200 квадрат метр майдонда жойлашган. У ердан катта-кичик маиший техникадан тортиб, замонавий маиший электроника ва электротехника жиҳозларига ҳам топшиш мумкин. Асосийси, маҳсулотлар мунтазам янгилаб борилади. Бу эса харидорларга янада кенг танлов имкониятини яратди.

маркази эса ана шу талабга яраша таклиф бериш имкониятини яратди. Асосийси, бу шунчаки кўргазма майдони эмас, балки доимий фаолият юртаклиги ҳамда йирик савдо амалга ошириладиган катта марказдир. Бу ерда сотув билан бирга сифатли сервис ва сотувдан кейинги хизматлар ҳам йўлга қўйилган.

— Очиги, Афғонистон бозорига таваккал қилиб кириб келдик. Узоқ йиллар давомида бу бозор бизга ёпиқдек кўрингани боис, аввалига иккиланганим бўлди, — дейди Ўзбекистондаги "Premier" компанияси вакили Шуҳрат Комилов. — Аммо биринчи юк машинаси олиб кирганимиздаёқ Афғонистонда сифатли маҳсулотларга талаб юқорилигини кўрдик. Мамлакатда кечаётган ривожланиш сабаб иқтисодий ҳамкорликка кенг йўл очилган. Қолаверса, маҳсулотларимиз бу ерда анча харидордир. Дастлабки ўрганишларимизга кўра, улар хориз брендларидан қўшимаслиги, нархлари ҳамёнбоп экани маълум бўлди. Шу боис, аста-секин бу бозорга кираётган маҳсулотларимиз сонини ошириб, турини янгилаб бораемиз. Бугунга қадар 500 миң долларлик яқин маҳсулот экспорт қилдик. Ушбу кўрсаткични икки баравар ошириш имкониятимиз бор. Ҳозир шунинг ҳаракатидамиз.

Экспортга ҳисса

Афғонистонда Ўзбекистон маҳсулотлари сотиладиган савдо марказининг очилиши, очиги, тарихий воқеадир. Бонси, йиллар давомида ушбу давлат бозорига нисбатан ёпиқ тизим сифатида, қолаверса, ҳадик билан қаралган. Аммо чегаралар очилиб, ўзаро дўстлик ва ишонч муносабатларини ортдан савдо-иқтисодий муносабатлар ҳам кенгайиб бормоқда.

Бошқа жиҳатдан, Ўзбекистоннинг яна бир янги бозорга дадил кириб борагани, савдо марказини очиб, миллий бренддаги маҳсулотлар сотувини йўлга қўйгани катта қадамлардан. Бу мамлакатимиз экспорти ҳажмини ошириш, маҳаллий ишбилармонларни қўллаб-қувватлашга қаратилган фаол ва замонавий ёндашувлардан бири ҳамдир. Жорий йил 1 декабрь куни давлатимиз раҳбари экспорт салоҳиятини ошириш ва тadbirkorларнинг давлат хизматларидан фойдаланишини соддалаштириш юзасидан тайёрланган тақдирот билан танишар экан, бу борадаги саъй-ҳаракатларини фаоллаштириш зарурлигини таъкидлагани бонси шунда.

Ўзбекистон 2030 йилга қадар экспорт қийматини 45 миллиард долларга етказишни мақсад қилган. Бу кўрсаткичга эришиш учун аъёнавий бозорлар билан чекланмай, юқори маржали янги бозорларга кириш, таъки бозорларда савдо ҳажмини кўпайтириш белгиланган. Хорижда очилаётган Ўзбекистон савдо уйлари ва марказлари эса экспортни оширишга сезиларли ҳисса қўшмоқда.

Мозори Шарифда ишга туширилган "UZELECTRONICS" мульти-бренд савдо марказининг яна бир аҳамиятли жиҳати шундаки, ўзбек товарларини қўшни давлат бозорига етказиб бериш баробарида Афғонистонда ишлаб чиқарилган маҳсулотларини ҳам мамлакатимизда тарғиб қилиш кўзда тутилган.

Айни пайтда худди шундай мульти-бренд савдо марказини Қобул ва Хирот шаҳарларида очиб бўйича ҳам ишлар бошлаб юборилган.

Ирода ТОШМАТОВА,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

Ислохотлар самараси

АРНАСОЙ ИҚТИСОДИЁТИДА "ЎСИШ ЭФФЕКТИ"

ТУРИЗМ ВА САНОАТ РИВОЖЛАНИБ, ИНФРАТУЗИЛМА ЯХШИЛАНМОҚДА



Президентимиз Жиззах вилоятига аввалги ташрифи чоғида "Албатта, бу — катта ислохотларимизнинг бошланиши. Жиззах вилоятини ижтимоий-иқтисодий тараққиётга йўлида ҳали кўп ишларни қилишимиз зарур", деган эди.

Шунга мисал тариқда ташриф давомида янги марра белгилаб олинди. Унга эришиш учун эса масъулларга қатор вазифа ва кўрсатмалар берилади. Ислохотлар бошланиши биланоқ, жиҳазликлар ҳаёти тубдан ўзгарди. Бунини Арнасой тумани мисолида ҳам кўриш мумкин.

Арнасой яқин-яқингача Жиззах вилоятининг пахта ва галла етиштиришга ихтисослашган, ривожланиш даражаси паст ҳудуди эди. Сўнгги йиллардаги улкан ўзгариш сабаб бугун туман кифаси тубдан ўзгарди, янгича кўриниш касб этмоқда. Айниқса, саноат, қишлоқ ҳўжалиги ва туризм каби муҳим тармоқлар жадал ривожланган. Туман инфратузилмаси яхшиланиб, масалаларга манзилли ечим топилмоқда. Натияжада худуд иқтисодиёти ўсиб, аҳоли турмуш даражаси кўтарилган. Мухими, саноат кириб келгани бўлди. Зеро, туман иқтисодиётидаги сезиларли юксалиш, аввало, саноат соҳасининг жадал ривожланиши билан бевосита боғлиқ. Ҳозир Арнасойда хоржий сармоа асосида етти корхона фаолият юртаклида. Улар туфайли янги иш ўринлари очилди, туманга замонавий технологиялар кириб келди. Бу ўзгаришлар худуд иқтисодий имкониятини янада оширмоқда.

— Туманимиз нафақат иқтисодий, балки сайёҳлик соҳасида ҳам улкан салоҳиятни намён этмоқда. Табиий гўзаллиги, тоза ҳавоси, Айдарқўл яқинидаги ландшафтлар ва экотуризмга мос масканлар сайёҳлик учун жўзабдор. Айниқса, яқинда фойдаланишга топширилган "Aydarqol Resort" мажмуаси туманимизнинг туризм инфратузилмасини тубдан янгилашга хизмат қилмоқда. Ушбу мажмуа хоржий сайёҳларни ҳам кенг жалб этиш имконини беради. Улар учун транспорт, турар жой ва кўнгилочар масканларни ривожлантирямиз. Шу орқали туризмни туман иқтисодиётининг муҳим тармоғига айлантиришни режа қилганмиз, — дейди туман ҳокими Одил Мусанов. — Туризм туфайли одамларнинг турмуш шароити яхшиланмоқда. Йўл бўйидаги савдо ривожланипти. Масалан, олдин Бахтли маҳалласидаги аҳолининг тирикчилиги асосан Айдарқўлдан бўлган. Кимдир балиқ овлаган, кимдир сотган, атрофда мол боққан. Бугунги ислохотлар одамларнинг дунёқарашини ҳам буткул ўзгартирди. Ҳозир тadbirkor бўлган деганлар сади кенгаймоқда. Кимдир уй-мехмонхоналари ташкил этипти, кимдир овқатланиш, савдо,

автомобилларга хизмат кўрсатиш шохобчалари очяпти. Мухими, аҳолининг даромади осяпти.

Кўл атрофида жойлашган қишлоқнинг имкониятлари бир пайтилар чекланган, шунга яраша сокин, бир маромдаги ҳаёт ҳукмрон эди. Бугун эса жўшқин ҳаёт, ривожланиш нафаси кириб келган. Мажмуада одамлар оқими кўпайган. Сувда моторли қайиқлар овози, спорт майдонларида ўйнаётган болалар қийқини уйғунлашиб, худудда янги рух, янги қайфият шаклланаётганини кўрсатмоқда. Бу ҳолат аҳоли мамнулиги, болалар бахтиёрлиги, худудларимиз обод бўлаётганидан дарак беради. Айдарқўл қиргоғида бир неча қадам юрсангиз, замин сиз билан

гўё гаплаша бошлайди. Шамол сув юзасини силар экан: "Бу ер қайта тугилди", дегандек бўлади.

Мажмуага ажратилган 23,8 гектар худуд — табиат бағрида тикланган янги ҳаёт маскани. Унга туташ 5 гектарли пляж зонаси, 200 ўринли 100 хонали пансионат, 300 ўринга мўлжалланган мехмонхона, 100 ўринли 40 та капсула уй ва 500 ўринли автотурагоҳ — барчаси мехмонларни кутиб олишга тайёр. Бундан ташқари, очиқ басейн, картодром, болалар учун қулай ўйингоҳлар ва хилма-хил спорт майдончалари худудда янада шухук бағишлайди. Атрофга экилган 2000 туп манзарали дарахт кўчати энди-энди яшнаётган боғни эслатади.



Ҳа. Айдарқўл узоқ йиллар сокин бўлгани рост, аммо бугун у тубдан янгича кифа касб этди. Энди туман ҳаёти ҳам айнан шу ўзгаришлар таъсирида янги суръатда шаклланмоқда.

— Жорий йил учун туманимизда 135 миллион долларлик хоржий инвестиция ўзлаштирилиши режалаштирилган, — дейди Сирожиддин Назаров. — 2025 йил январь-октябрь ойларида 103,2 миллион долларлик тўғридан тўғри хоржий инвестиция ўзлаштирилди. Бу ўтган йилнинг шу даврига нисбатан тўрт баробар кўп. Бундан ташқари, жорий йилнинг ўтган даврида 14 миллион 450,7 миң долларлик маҳсулот экспорт қилинди, ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 226,9 фоиз ўсишга эришдик.

Шунингдек, инвестиция дастурлари доирасида 2025 йил январь-октябрь ойларида 35,3 миллион долларлик 10 та лойиҳа ишга туширилиши ҳисобига 218 та янги иш ўрни очилди.

Биргина "Spark Brilliant Jizza" МЧЖ хоржий корхонаси ташкил этилиб, 15 миллион долларлик қоп маҳсулотларини савдо чикариш лойиҳаси амалга оширилди. Тўғридан тўғри хоржий инвестицияларни ўзлаштириш орқали ташкил этилган мазкур корхонада 45 фуқаро доимий иш билан таъминланди. Корхона йилига 30 миллион донна қиймати 60 миллиард сўмлик қоп ишлаб чиқариш қувватига эга. Бу йилига бюджетга 3,5 миллиард сўмдан ортиқ тушум дегани. Келгусида корхона томонидан 5 миллион долларлик янги ишлаб чиқариш цехи барпо этилади. Натияжада қўшимча 25 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилади. Лойиҳа сабаб 30 киши ишли бўлади.

Ҳеч шубҳасиз, Арнасой туманидаги ишлар худудининг янги ривожланиш босқичига қадам қўйганини кўрсатади. Инвестициялар оқими, саноат ва туризм салоҳиятининг ошиши, қишлоқ ҳўжалигидаги инновацион ёндашувлар Арнасойни истиқболда нафақат Жиззахнинг, балки юртимизнинг етакчи туманларидан бирига айлантиради.

Фарҳод НЕЪМАТОВ,
"Янги Ўзбекистон" мухбири

УМУМИЙ ЎТМИШ, БУЮК КЕЛАЖАК

ҲАМКОРЛИКДА ТАРАҚҚИЁТГА ЭРИШАМИЗ

Баҳодир ХОЛИҚОВ,
Самарқанд давлат чет тиллар
институтининг ректори



Бир вақтлар собиқ иттифокнинг хомашё базаси сифатида қаралган Марказий Осиё республикалари мустақилликка эришгач, ҳар бири ўзи ташлаган йўлдан, бир-биридан айро, ўз муаммосига ўралган ҳолда ривожланиш сари одимлай бошлаганди. Аммо “Якка отнинг чанги чикмас, чанги чикса ҳам донги чикмас” деганларидек, бу ривожланиш, бу одим жуда секин, кўзга кўринмас эди. Қадим ўтмишда буюқ тарихни бир тан, бир жон бўлиб яратган Туркистон эли — ўзбек, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман ва қорақалпоқлар аввалги тузум сиёсати қобиғидан чиқишда қийналди.

Президентимиз юритган ташқи сиёсат ва илгари сурган ташаббуслар натижасида минтақа давлатлари ўртасидаги муносабатлар илқиллашди, қулоқлашди ва стратегик алоқалар кенг миқёсда ривожланди. Бугун “Марказий Осиё плюс” форматлари минтақа ҳамкорлигининг халқаро миқёсдаги самарали платформаларига айлиниб бормоқда. АКШ, Европа иттиқофи, Россия, Хитой, Япония, Ҳиндистон, Туркия ва араб давлатлари Марказий Осиёда жойлашган беш мамлакат билан тенг манфаатли ҳамда мустақкам алоқа ўрнатилган интилоқда.

Айни пайтда Марказий Осиёда кечаётган жараёнлар нафақат минтақавий, балки глобал аҳамият касб этиб, жаҳон афқор оммаси ва сиёсат аҳли диққат марказида турибди. Президентимизнинг “Янги Ўзбекистон” газетасида чоп этилган “Марказий Осиё янги давр остонасида” мақоласида қайд этилганидек, минтақада шаклланаётган таъминот, яхши қўлчилик ва ўзаро ҳурмат таъминоти янги дипломатик муносабатлар эмас, улар минтақанинг келгуси йил илқиллари давомида тараққийоти белгилаб берадиган стратегик пойдевор вазифасини бажаради. Бугун юз бераётган яқинлашув ва ҳамкорлик сиёсати тасдиқ эмас, балки қон-қарош, илдизи бир бўлган халқларнинг бирилашиши, давлат раҳбарларининг аниқ сиёсий



иродаси, чуқур масъулияти ва умумий келажак учун масъулиятли қарашлари натижаси, десак тўғри бўлади.

Кейинги йилларда Марказий Осиё давлатлари ўртасидаги муносабатлар тубдан ўзгаргани боис, кечаги турли тўсиқлар, қарама-қаршиликлар, тарихдан қолган бўшлиқлар босқичма-босқич бартараф этилди. Чегараларнинг тўлиқ ҳуқуқий белгиланиши, савдо ва транзит йўлақлари очилиши, сув ва экология бўйича келишилган ёндашувлар, энергетик интеграциянинг фаоллашуви — буларнинг барчаси минтақа давлатлари ўртасида янги сиёсий маданият шаклланишидан далолат беради.

Бугунги нотинч геосиёсий шароит, глобал таъминот занжирларидаги узлишлар, иқлим ўзгаришлари ва экологик инқирознинг кескинлашуви, озик-овқат ва энергетика бозорларидаги беқарорлик Марказий Осиё давлатларининг ўзаро ҳамкорликсиз ҳаракат қила олмаслигини яна бир бор кўрсатмоқда. Энди ҳамкорлик ихтиёрий сиёсий йўналиш эмас, балки стратегик зарурат эканини ҳаммамиз яхши биламиз.

Минтақа давлатларининг бир-бирига боғлиқлиги кундан кунга чуқурлашаётгани сабабли тараққийотнинг энг муҳим қаволати — ўзаро ишонч, бирилашиш, келишувчанлик ва умумий манфаатларни қадрлаш ривожланиш сари дадил қадамлар ташлашишига олиб келди. Шу боис, Марказий Осиё ҳамкорлиги тараққийот драйверига айлиниб бораётганини қўвонч билан таъкидлаш жоиз.

Халқаро экспертлар таъкидлашча, кейинги ўн йилликда Марказий Осиё давлатларида кучли иқтисодий динамика кузатилаётганда, минтақа ялпи ички маҳсулоти уч баробар ўсиши, ўзаро савдо ҳажми кескин кенгайиши, биргаликдаги қўшма лойиҳалар кўпайиши — ҳамкорлигининг иқтисодий самараси нафақат рақамларда, балки реал ҳаётда ҳам аксини топаётганини кўрсатмоқда. Қувонарлиси, минтақа халқлари бу ўзгаришларни ўз ҳаётида ҳис қилмоқда, қўлайликлардан баҳраманд бўлмоқда, манфаат кўрмоқда.

Ўзбекистоннинг қўшни давлатлар билан савдо ҳажми 2016 йилдаги 2,4 миллиард доллардан 2024 йилда 7,2 миллиард долларга етгани бунинг ёрқин тасдиғидир. Бу ўсиш бевосита янги қўшничилик сиёсати самараси бўлиб, бугун минтақавий иқтисодий интеграция нафақат савдо, балки энергетика, транспорт-логистика, қишлоқ хўжалиги, санаят кооперацияси каби стратегик тармоқларда ҳам кенгайиб бормоқда. Минтақамиз Осиё ва Европа ўртасида табиий геосиёсий кўпrik вазифасини бажармоқда. Бу салоҳиятни тўғри бошқариш минтақани глобал иқтисодиётнинг муҳим драйверларидан бирига айлантириши шубҳасиз.

Бугунги глобал таҳдидлар фонида Марказий Осиё давлатлари хавфсизлик масалаларида ҳам ўзаро жиқлашмоқда. Минтақа давлатларининг экстремизм ва радикализмга қарши курашиш, киберхавфсизликни мустақкамлаш, трансчегаравий жиноятчиликка қарши биргаликда курашиш бўйича ҳамкорлик стратегик аҳамият касб этмоқда.

Президентимиз таъкидлаганидек, минтақанинг энг катта бойлиги ёш, изланувчан, замонавий тафаккурга эга авлод ҳисобланади. Улар истиқбол учун ажратилаётган маблағ келажакка тиклалаётган инвестициядир. Аҳолининг асосий қисми-

ни ёшлар ташкил этаётгани Марказий Осиё давлатларининг таълим, илм-фан, маданият ва ёшлар сиёсати соҳаларида ҳамкорликни янги босқичга кўтаришга ундамоқда. Ректорлар форумлари, илмий лойиҳалар, маданий алмашинув дастурлари, ёшлар фестиваллари минтақа халқларини, айниқса, ёшларни янада яқинлаштиряпти. Бу жараён фақат биргаликдаги тадбирлар эмас, балки умумий маданий макон ва интелектуал ҳамжамиятнинг шаклланиши билан аҳамиятлидир.

Самарқанд давлат чет тиллар институтининг жамоаси ҳам мазкур жараённинг фаол иштирокчисига айланган. Халқаро ҳамкорлик дастурларимиз, академик алмашинувлари, кўшма илмий изланишларимиз Марказий Осиёнинг маърифий ва интелектуал салоҳиятини юксалтиришга қаратилган лойиҳалар асосида олиб борилмоқда. Бугун Марказий Осиё республикаларининг бир нечта олий ўқув юртлири билан мустақкам ҳамкорлик ўрнатилган. Бу алоқалар институт илмий салоҳиятини ошириш билан бирга таълим сифати ва самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилмоқда.

Марказий Осиё келажаги ҳозирги авлоднинг билим даражаси, тафаккури ва компетенцияларига боғлиқ. Шу боис, олий таълим муассасалари олддаги вазифа фақат билим бериш эмас, балки минтақа ёшларини яқинлаштириш, замонавий таълим стандартларини жорий этиш, хорижий тилларни ўрганиш орқали халқлараро мулоқот кўпригини мустақкамлаш, илмий изланишлар орқали умумий тараққийотга хизмат қилиш каби масъулиятли вазифаларни бажаришидир.

Марказий Осиё халқлари умумий масъулиятни ҳис қилган ҳолда умумий келажак сари қадам ташламоқда. Президентимиз таъкидлаганидек, биз бугун девор эмас, кўприк қураётган халқимиз. Бу нафақат сиёсий шор, балки бутун минтақа халқларининг янги менталитети, янги маънавий позицияси орқали, биз бирлашган сари кучли бўлаемиз. Ҳамкорлик қилган сари тараққийотга эришамиз.



Миллий давлатчилигимиз тарихидан

ШАЙБОНИЙЛАР ДАВЛАТЧИЛИГИ

Шайбонийлар сулоласи XVI асрда Марказий Осиёда доимий ва шиддатли сиёсий ҳаракатлар орқали мустақкам давлат барпо этди. Сулоланинг машҳур ҳукмдорлари — 1500-1510 йилларда ҳукмронлик қилган Муҳаммад Шайбонийхон, 1510-1529 йилларда ҳукмронлик қилган Кўчкунчиҳон, 1533-1540 йилларда ҳукмронлик қилган Убайдуллоҳхон ва кейинги султонлар илм-фан ва маърифат ривожига катта ҳисса қўшган зиёлилар бўлган. Улар Турон худудига кўплаб мадрасалар, хонақоҳлар қурган ва кутубхоналар ташкил этган.

Бу сулола ўзбек давлатчилиги тарихида алоҳида ўрин тутаяди. Айнан Муҳаммад Шайбонийхон ва Убайдуллоҳхон фаолияти натижасида “Ўзбек давлатчилиги” тушунчаси шаклланди. Чунки бунга қадар дунё хариталарида “Ўзбеклар” номи билан алоҳида давлат ёки ҳудуд кўрсатилмаган. Кейинчалик бу 1924 йилда ташкил этилган Ўзбекистон давлати номига асос бўлди.

“Шайбон” ёки “сибан” аслида мўғулча сўз бўлиб, “қуш” деган маънони англатади ва шайбонийларнинг келиб чиқишини ифода қилади. Шайбонийлар сулоласининг номи Чингизхоннинг ўғли Жўчиҳоннинг бешинчи фарзанди Шайбондан келиб чиққан. Шайбон акаси Ботухон билан ҳарбий юришларда иштирок этиб, Дашти Қипчоқнинг шарқий ҳудудлари ва 15 минг оиладан иборат улусни Олтин Урда таркибиде бошқарган. Академик Бўрибой Аҳмедовнинг таъкидлашча, Шайбон улуси 1238 йилда ташкил топиб, Урал тоғининг жанубий этакларидан Тобол ва Сарисув дарёлари соҳилларигача бўлган ҳудудни эгаллаган.

XIV аср охирида Шайбон улуси ўзаро ички урушлар натижасида майда хонлиқларга бўлиниб кетади. Шу даврда Шайбон авлодидан бўлган Абулхайрхон (1412-1468 йиллар) Дашти Қипчоқдаги кўплаб турк-мўғул қабилаларни бириштириб, 1428 йилда Тура шаҳрида улуг хон деб эълон қилнади.

Қисқа вақт ичида у майда қисмларга бўлиниб кетган Шайбон улусини бириштириб, Тура шаҳрини давлат пойтахтига айлантиради. Абулхайрхон фаолияти теурийлар давлати билан бевосита боғлиқ бўлган. Ички сиёсий низолар ва урушлар даврида баъзан теурий ҳукмдорлар Абулхайрхондан ҳарбий ёрдам сўраб турган.

1468 йилда Абулхайрхон вафот этгач, унинг бешинчи ўғли Шайх Ҳайдархон тахтга ўтиради. Бирок Абулхайрхон амрилари орасида кейинчалик унинг душманига айланган Иноқхон, Жонибекхон, Нурика султон ва мангит амирлари Аббосбек, Мусобек, Ёмгурчибек Олтин Урда хони Аҳмадхон билан иттифоқ тузиб, Шайх Ҳайдархонни ўлдирди. Натижада Абулхайрхон томонидан ташкил этилган давлат қулайди.

Абулхайрхон давлатини қайта тиклаш ишларига унинг набираси Муҳаммад Шайбонийхон бошчилик қилади. Муҳаммад Шайбонийхон (1451-1510 йиллар) ёшлигида отаси Буюқ Султон ва онаси Кўчкунчиҳондан етим қилиб, Абулхайрхоннинг содиқ хизматкори Қорачабек оиласида тарбияланади.

Абулхайрхон вафотидан кейин юзага келган ички низолар ва хавф-хатарлар натижасида Муҳаммад Шайбонийхон, укаси Маҳмуд Султон, амакилари Суюнчожаҳон



ва Кўчкунчиҳон Мовароуннаҳр худудларига қочиб келади.

XV аср охири ва XVI аср бошларида Мовароуннаҳрда ички низолар туфайли теурийлар давлатининг сиёсий заифлашуви авж олади. Шу шароитдан фойдаланиб, Муҳаммад Шайбонийхон дастлаб Туркистон ва Уттор ҳукмдорлари қўшинига хизмат қилиб, турли жангларда иштирок этади ва ҳарбий салоҳиятини оширади. 1497 йилда Заҳириддин Муҳаммад Бобур Самарқандни эгаллашга муваффақ бўлганда, Муҳаммад Шайбонийхон у билан боғлиқ воқеаларни кузатиб, қулай фурсатни кутади.

Шайбонийларнинг Мовароуннаҳр ва Хуросон худудларига тарихий даъвоси бўлган. Чингизхон даврида эгалланган, кейинчалик эса қўлдан чиқиб кетган ерларни қайтариш

учун курашган. Шу сабабдан шайбоний султонлар мафкуравий ва сиёсий асослар билан Мовароуннаҳр тахтини эгаллаш ҳаракатини бошлаган.

Муҳаммад Шайбонийхон ҳарбий ҳаракатлар натижасида Туркистоннинг Синғоқ, Саброн ва Ясси шаҳарларини қўлга киритади. 1500 йилда теурийлар давлатининг ички зиддиятлари ва сиёсий заифлашуви туфайли Самарқандни забт этади. Теурийлар ўртасида юзага келган ички низолар сабабли ҳарбий ҳаракатлар, қўда-андачилик ришталари ва дипломатик алоқалардан фойдаланиб, Муҳаммад Шайбонийхон худудни назоратга олади. 1504 йилда у Хисор, Қундуз, Бадахшон ва Балхни, 1505 йилда эса Хоразмни забт этади. 1507 йил 19 майда Бодғис яйловиде теурийлар билан ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтади ва Муҳаммад Шайбонийхон Ҳиротни эгаллайди. Ҳиротдаги жоме масжидида унинг номига “Замон имоми ва Худонинг халифаси” унвони билан хутба ўқилади. Шу тариқа у ҳокимиятини тўлиқ ўрнатиб, Мовароуннаҳр ва Хуросон худудларида шайбонийлар давлатини барпо этади.

1510 йилда Муҳаммад Шайбонийхон Марв яқинида Эрон шоҳи Исмоил Сафавий қўшинлари билан тўқнашувда ҳалок бўлади, натижада унинг давлати ҳам қулайди. Шу билан бирга, Мовароуннаҳр худудлари



Эрон сафавийлари босқини ҳаффи остида қолади. Шайбонийлар давлатини қайта тиклаш ва Эрон қўшинларига қарши курашиш ишларига Муҳаммад Шайбонийхоннинг жияни Убайдуллоҳхон бошчилик қилади ва шайбонийлар давлатини тиклаш ишини



“Шайбонийлар сулоласининг энг йирик ҳукмдорларидан яна бири Абдуллоҳхон II (1534–1598 йиллар) бўлиб, у нафақат давлат бошқарувчиси ва саркарда, балки илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида ҳам тарихда ўчмас из қолдирди.

Убайдуллоҳхон Муҳаммад Шайбонийхон ҳарбий юришларида доимо унинг ёнида бўлиб, баъзи ҳолларда қўшинини бошқарган. Ҳофиз Таниш Бухорийнинг “Абдуллоҳнома” асарида қайд этилишича, Убайдуллоҳхон Муҳаммад Шайбонийхон қўшинида соя каби ёрдамчи бўлиб, Хоразмни (1505 йил), Балхни (1506 йил), Ҳирот ва Машҳадни (1507 йил) эгаллашда хал қилувчи роль ўйнаган. Шу тариқа у шайбонийлар сулоласининг сиёсий ва ҳарбий барқарорлигини мустақкамлашда муҳим шахс бўлган.

1512 йил апрелда Мовароуннаҳрнинг Қўли Малик қўлида шайбонийлар ва теу-

қолди. У “Шоҳбахт” тахаллуси билан ижод қилган, газал ва рубонийлар ёзган. Шу билан бирга, унинг “Баҳрул худо” достони ва панд-насихатлар тўплами мавжуд бўлиб, улар ўғли Муҳаммад Теуру султонга бағишланган.

1512-1533 йилларда шайбонийлар давлати маркази Самарқанд бўлган. 1533 йилда Убайдуллоҳхон пойтахтни Бухорога кўчириб, хонлиқнинг расмий номи Бухоро хонлиги деб атала бошланади. Унинг ҳукмронлиги даврида Мир Араб мадрасаси қурилиб, илм-фан ва диний таълим ривожига катта ҳисса қўшилди. Шунингдек, Меҳтар Қосим кўприги, Мирак Саид Гўёс боғи ва Бухоро шаҳри атрофида чорбоғлар барпо этилган. Убайдуллоҳхон диний илмларни чуқур эгаллаган. Тасавуф ва Қуръон илмларини жуда яхши билган. Убайдуллоҳхон “Убайдий”, “Қул Убайдий”,

“Убайдуллоҳ” тахаллуслари билан ўзбек, форс ва араб тилларида ижод қилган. Унинг уч тилда битган шеърларини иборат уч девони — “Куллиёт”и Фанлар академиясининг Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти хазинасида сақланмоқда.

Шайбонийлар сулоласининг энг йирик ҳукмдорларидан яна бири Абдуллоҳхон II (1534-1598 йиллар) бўлиб, у нафақат давлат бошқарувчиси ва саркарда, балки илм-фан ва маданият ҳомийси сифатида ҳам тарихда ўчмас из қолдирди. У 1583 йилда эса отаси вафотидан кейин мустақил давлат бошқарувини ўз зиммасига олган.



рийлар ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлиб, Убайдуллоҳхон бошчилигидаги шайбонийлар Заҳириддин Муҳаммад Бобур қўшинини мағлуб этиб, Самарқанд ва Бухорони қайта забт этади. Шаҳарларда хутба ўқилади, тангалар зарб қилинади ва шайбонийлар ҳукмронлиги мустақкамланади. Рўзбехон Исфаҳонийнинг ёзишича, Убайдуллоҳхон тахтни амакиси Кўчкунчиҳон ва бошқа қариндошларга бўлиб беради, шу билан ўз мавқени бутун давлатда мустақкамлайди.

1512 йил 12 ноябрда Ђиждувон яқинида шайбонийлар ва сафавийлар ўртасида ҳал қилувчи жанг бўлиб ўтади. Убайдуллоҳхон бошчилигидаги 3 минг кишилик қўшин сафавийларнинг Нажми Соний бошчилигидаги 60 минг кишилик қўшинини мағлуб этади. Бу ғалаба Мовароуннаҳрда шайбонийлар ҳокимиятини мустақкамлашга хизмат қилади ва Заҳириддин Муҳаммад Бобурнинг худуддаги фаолияти яқунланади.

Шайбонийлар сулоласи Мовароуннаҳр тарихида илм-фан, маданият ва адабий меросини ривожлантиришда ҳам беқиёс роль ўйнаган. Сулола вакиллари ўз замоналарида шаҳарларни сиёсий марказ эмас, балки илмий ва маданий марказ сифатида тараққийот этиришга алоҳида эътибор қаратган. Муҳаммад Шайбонийхон ўзбек ва туркий адабиёти ривожига ҳисса қўшган шоир сифатида тарихда

Абдуллоҳхон II даврида Бухоро, Самарқанд, Тошкент ва бошқа йирик шаҳарларда илмий ва маданий марказлар ташкил этилган. Шу даврда Модарихон ва Абдуллоҳхон мадрасалари, Тошкентдаги Қўқалдош мадрасаси, шунингдек, қарвонсаройлар, чорбоғлар ва кўприқлар бунёд этилган. Бухорода кутубхоналар фаолият кўрсатган, машҳур хатотлар ва олимлар илмий ишлар билан шуғулланган.

Абдуллоҳхон II ижоди билан ҳам илм-фан ва адабиёт ривожига ҳисса қўшган. “Хон” тахаллуси билан у ўзбек ва форс тилларида шеърлар яратган. Унинг даврида Ҳофиз Таниш Бухорий “Абдуллоҳнома”, Амин Аҳмад Розий “Ҳафти иқлим” ва Мурғрий “Тазкироти шуаро” каби асарларини яратган.

Шайбонийлар даврида Мовароуннаҳр нафақат сиёсий ва ҳарбий, балки илмий, адабий ва маданий марказ сифатида ҳам аҳамият касб этган. Сулола ҳукмдорлари ўз ижоди, ҳомийлиги ва шаҳарларда яратган илмий-маданий муҳити орқали ўзбек адабиёти, илм-фани ва маданий мероси ривожига муҳим роль ўйнади.

Фаррух ФАЙЗУЛЛАЕВ,
Чирчиқ давлат педагогика
университети ўқитувчиси



